

**Бешиқдан  
қабргача  
билим  
иста.**

Ҳадисдан



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 15-fevral, chorshanba №13 (8454)

## ЮРТНИ ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАГАН ДАСТУР

Ҳассос шоир бобомиз Алишер Навоий ўз даврида Саҳо шохдин элга

матлуб эрур,  
Сийсат ҳам ўз ўрнида

хўб эрур,


дея ўзи орзу қилган юрт пешвосига таъриф берган эди. Беш юз йилча вақт ўтибдики, айтилган бу фикр бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, инсоният ўз тарихини яратишда давом этмоқда. Ер юзиде давлатлар кўп, халқлар кўп ва раҳнамолар кўп. Бирок, кўп йиллар давомида истибодд қуршовида яшаган халқнинг ўз эркини қўлга киритиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлиши учун кураш кечаётган кескин бир даврда шу юрт порлоқ истикболи, жафокаш эли манфаатини ҳимоя қилишдек синов ҳар қандай халқ, унинг раҳнамоси бошига тушармайдди. Тарихнинг бу мураккаб синовидан шоир айтганнидек, шу йўлда саховат сифатида ўз ҳаётини, борлигини бахшида этган инсонгина юзи ёруғ бўлиб чиқишини бугунги ҳаётимиз кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон учун ўтган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллари боши айнан шундай тарихий бир давр бўлди. Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида на шардан чиққан «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида республика учун шундай бир мураккаб даврда кун тартибига мустақилликка эришиш гоёси қатъий қилиб қўйилгани ва бу йўлда қанчалик ушқан ишлар амалга оширил-

ганлиги тарихий ҳужжатлар асосида очиб берилган.

Китоб билан танишар эканмиз, ўша пайтда мамлакатда ночор ижтимоий ва иқтисодий аҳвол, жамиятда тушқунлик ва таҳликали муҳит ҳукм сураётган оғир бир вазиятда аҳолининг турмуш даражасини кўтариш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган муаммолар қаторида ҳар доим ҳам ёшлар таълим-тарбияси, кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамда маънавиятни юксалтириш, янги ижтимоий онгни шакллантириш гоёси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлиб турганини англаймиз.

Мана шу гоёлар тадрихий равишда ривожлантирилиб мустақил мамлакатимизнинг буюк келажаклини таъминлайдиган муҳим омил сифатида таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш соҳасини мутлақо янги асосда ташкил этишга хизмат қилаётган «Таълим тўғрисида»-ги ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатларида инсон манфаатлари, яъни унинг ўз ижтимоий моҳиятини, ўзлигини англаши, мунтазам ривожланиб бориши, имкониятларини тўлиқ ишга солиши ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитларни яратиш устуворлик касб этди. Мунтазам давом этадиган ушбу жараёнга ҳамоҳанг тарзда мактабга таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар



малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат узлуксиз таълим тизими жорий этилди.

Хўш, бу янгиликнинг инсон манфаатлари, яъни унинг тақдирини, қолаверса мамлакат тараққиёти билан қанчалик боғлиқлиги бор? Бирор бир нарсанинг бошқасидан афзаллиги ёки аксинча эканлигини англаш учун уларни ўзаро қиёслашдан бўлак самарали усул бўлмас керак. Биз ҳам шу йўлдан борамиз: яқин ўтмишда мавжуд бўлган таълим-тарбия тизими билан ҳозирда ҳаётга тобора чуқур татбиқ этилаётган таълимнинг миллий моделини солиштирамиз.

Маълумки, собиқ шўро тизими даврида таълим тизими шундай ташкил этилган эдики, гуёки ҳамма ёппасига таълим олади, лекин ҳар бир шахнинг келгуси ҳаётида олган билимлари қанчалик аҳамиятга эга бўлади, унинг жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши қандай кечадиган саволлар очиқ қолган эди. Тасаввур қилинг, ўқувчи 10 йил ўқиб мактаб-

ни тугатгач унинг олдида иккита йўл турарди. Биринчиси – олий таълимда ўқишни давом эттириш, шунингдек, тор доирада ихтисослашган билим юртида ўқиш (бундай имкониятга жами битирувчиларнинг 10 фоизигина эга бўлган). Иккинчи йўл – тўғридан-тўғри меҳнат фаолияти билан шугулланиш. Бирор бир касб-хунарни эгалламаган (ўн йиллик мажбурий таълимда бу масала умуман назарда тутилмаган) ёш йигит-қизнинг қаерга бориб, нима иш қилишини эса ўзингиз тасаввур этаверинг.

Ўша даврда мавжуд бўлган, халқ тилида СПТУ дея ном олган билим юртига эса одамларнинг муносабати салбий эди. Шу боис ўқувчи ёмон ўқиса мактаб маъмурияти уни «СПТУга ҳайдаласан», дея кўрқитарди. Нега? Чунки авторитар услубга асосланган мактабда «яқши ўқимаган», «тартибсиз» болалар 8-синфдан сўнг СПТУга жўнатиларди ва уларга қабул шу «мезонлар» асосида амалга ошириларди.

Мана сизга инсоннинг келажак тақдирини муносабат. Ўша даврда ўсмирлар ўрта-сидир этилган жинотлардан кўрсаткичида СПТУда ўқийдиган болалар салмоқли ўрин тутганлиги ҳам ҳақиқат эди.

Ёшлар ўз келажаклини аниқ тасаввур эта олмагани ҳамда ўзларига нисбатан жамиятда ишончсизлик ҳукмрон бўлгани оқибатида журъатсиз, бефарқ бўлиб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган эди. Ота-оналар «эртага бир гап бўлар, тезроқ боламнинг бошини

иккита қилай», деган фикрда бекорчи ўғлини барвақт уйлантириш, қизини тезроқ турмушга чиқариш пайида бўларди. Оила, унинг масъулсизлиги, мустақил яшаш ҳақида етарли тушунчага эга бўлмаган йигит оиласи билан яна ота-онани қарамоғида қолаверарди. Оилаларда кўпга фарзандлар бир кишининг ҳаминқадар топганига қараб қолганлиги оқибатида турли етишмовчиликлар юзга келар, кишиларнинг ижтимоий аҳволи борган сайин ёмонлашиб борарди.

Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида ўша даврда юзага келган оғир аҳволга баҳо бера экан, «Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабга болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи ноёб биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи kiffoя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўrsa бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўладиган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти», дея куюниб таъкидлаган. Бу сўзлардан маълум бир мамлакатнинг ривожини ёки таназзулда ижтимоий соҳа, айниқса таълим-тарбиянинг ўрни қанчалик ҳал этувчи кучга эга эканлигини англаб етиш қийин эмас.

(Давоми 3-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТАНЛАГАН ЙЎЛИ ХОРИЖДА ҲАМ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент шаҳрида 16-17 февраль кунлари "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодини тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шартини" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Мазкур халқаро анжуманда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб мутахассислар ва экспертлар иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзини муносиб ўрни эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу, айниқса, мамлакатингизда демократия ва бо-

зор иқтисодийётига оид ислохотларни амалга ошириш натижасида кўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатингизнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топтоқда.

Мен, мутахассис сифатида мамлакатингизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни кузатиб бораман. Ўзбекистон Республикасида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида демократия асосларини мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга, халқ фаровонлигини муттасил оширишга доимий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ёшларга, айниқса, уларнинг таълим олишига кўрсатилаётган улкан эътибор мени гоёт қувонтиради. АҚШда аксарият талбалар ўзлари таҳсил олаётган

таълим даргоҳига кам қатнайди. Қолган вақт уйларида интернет орқали дарсларда иштирок этади. Бундай ҳолга мен мутлақо қаршиман. Тўғри, масофадан ўқитиш тизими айрим тоифадаги ёшлар учун қулай. Аммо бундай таълим тизимига муҳтож бўлмаган талабаларни масофадан ўқитиш нотўғри йўл, деб ўйлайман. Ҳар бир талаба ёки ўқувчи дарсларда ўзи иштирок этиши, ўқитувчи билан бевосита мулоқотда бўлмоғи лозим. Ана шундангина у ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишади.

(Давоми 2-бетда.)

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ТАНЛАГАН ЙЎЛИ ХОРИЖДА ҲАМ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир мамлакатнинг келажақ пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши бугунги ёшларнинг қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Ўзбекистонда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узокни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатингизни раванқ топтиришга, халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, қобилиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётди. Бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатингизда кўплаб нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилгани бунинг далилидир.

**Габриеле МЕНТЕС хоним, Дортмунд техника университети профессори (Германия):**

— Ўзбекистонда фан-таълим, маданият, санъат, маънавият ва маърифат соҳаларида эришилган ютуқлардан ўрناق олса арзийди. Мамлакатингиз билан "Анъаналар модернизацияси: Ўзбекистон тўқимачилиги мероси маданий ва иқтисодий манба сифатида" лойиҳаси доирасида бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келямиз. Бу борада Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Андижон машинасозлик институти ҳамда Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти билан ўрнатилган яқин алоқаларимиз яхши самаралар бераётди.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилаётган катта эътибор барча соҳалар, жумладан, тўқимачилик учун ҳам етук малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатингиз таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий тех-

ника ва технологиялар билан таъминлаш, талабаларнинг сифатли билим олиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон миллий либосларининг тарихи, анъаналари юксак санъат даражасига кўтарилган. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Германия, германиялик соҳа вакиллари билан ҳамкорлик санъат ва маданият йўналишидаги олий ўқув юртлари фаолияти билан янада яқинроқ танишиши, соҳада фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда. Ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятидамиз.

**Валерий НИКИФОРОВ, Болтиқ халқаро академияси бошқаруви раиси, Болтиқ психология ва менежмент институти сенатининг раиси (Латвия):**

— Биз Ўзбекистондаги тегишли вазирилик ва идоралар, олий ўқув юртлари билан таълим соҳасининг банк-молия йўналишида бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келямиз. Юртингизда таълим соҳасида ўтқа-

зиладиган кўргазмаларда мунтазам иштирок этамиз. Таъкидлаш жоизки, мамлакатингизда ёшлар таълими ва тарбиясига берилган эътибор ва ўз ўрнида Ўзбекистон ёшларининг бу имкониятлардан унумли фойдаланаётгани таъсирга сазовор.

Ўзбекистонлик талабаларнинг илмий салоҳияти жуда юқори эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, фан ва таълим ривожини, энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиётини таъминлаш, аввало, етук малакага эга кадрларга боғлиқ. Ўзбекистонда бу вазифа муваффақиятли ҳал этилмоқда. Мамлакатингизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, қисқа фурсатда яратилган, бугунги замон талабларига жавоб берадиган ва узок истиқболга мўлжалланган таъмомила янги таълим тизimini юксак эътиборга лойиқ.

ЎЗА мухбирлари  
Нодира МАНЗУРОВА,  
Мадина УМАРОВА  
ёзиб олди

## ДУНЁ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ФИКРЛАШГА УНДАГАН ЛОЙИҲА

Ушбу ташаббус «ZiyoNet» тармоғи орқали пойтахтимиздаги 128-мактаб ўқувчилари томонидан амалга оширилди

...Оила даврасида тез-тез ўтказиб туриладиган мушоираларда буюк шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур ижодига кўп бор мурожаат қилинар эди. Ота-бола, боёбо набиралар улуг мутафаккир бобокалонимизнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида узок-узок суҳбатлашишарди ҳам. Бу, табиийки, ёш шеърят мухлиси Бобуржонда катта қизиш уйғотган.

Ун ёшли Бобуржон Шокиров шоҳ ва шоир Бобур ҳаётига бағишланган бадиий ҳамда тарихий асарларни иштиёқ билан ўқий бошлади. Китоб мутолааси унда адабиёт ва санъатга меҳр уйғотди. Фикру ёдида Бобур Мирзо сиймоси, шоҳ ва шоирнинг феъл-атвориغا хос ибратли ишлар жонланаверди. Дастлаб 128-мактабдаги фольклор ансамблига

қатнаб юрган кезлари байрам кечаси Бобур қиёфасини яратганди. Шу-шу мактаб ва тумандаги маънавий-маърифий тадбирларда Бобуржон фаол иштирок этадиган бўлди. Ёш бўлишига қарамай, «Болалар соати», «Ёшлик оқшомлари» телекўрсатувларида уч йил мобайнида бошловчилик ва муаллифликни ҳам уддалади. Ўқув даргоҳи қошида ташкил

этилган «Мактаб ҳаёти» радиосидаги эшиттиришлари, газеталардаги чиқишлари эса ўқувчининг ижод сари интилишлари маҳсулидир.

Яқинда истеъдодли ўқувчи тенгдошлари билан биргаликда яхши бир янгиликка қўл урди. Яъни улар «ZiyoNet» тармоғида «Ўзбекистон болалари бўлимини ташкил этишди. Ушбу электрон бўлим ёшларни «оммавий маданият» ва маънавий таҳдидлар таъсирига берилмасликка ундаши эътиборга молик. Қолаверса, унинг ёрдамида бебаҳо миллий меросимиз намуналарини чуқур ўрганиш мумкин. Янгилик муаллифлари «Биз киммиз, ким-

ларнинг авлодимиз?», «Сиз Навоий, Бобур, Беруний каби сиймоларни қандай тасаввур этасиз?» деган саволлар билан нафақат юртимиз, балки халқаро доирада ҳам қизиқтириш уйғотишди.

— «Бобур — дунё болалари нигоҳида» деб номланган танловимизга қатнашувчилар кутганимиздан ҳам кўп бўлди, — дейди Бобуржон биз билан сўзлашганда. — Чет элдаги кўпгина ёшлар сўровномани интернет орқали турли тилларда узатишимизни сўрашди. Шундан сўнг уни француз, япон, немис, инглиз тилларига ҳам таржима қилдик. Интернет танловда бутунжаҳон ёшлари иштирок этишди. Уларнинг кўпчилиги бобокалонларимиз ижодига чуқур ҳурмат билан қарар, адабий меросимиз намуналарини ўрганишга ихлосманд экан. Масалан, Малайзия, Ҳиндистон, Буюк Британия, Франция каби кўплаб мамлакат ёшларининг жавоблари оддий фикр-мулоҳазаларгина эмас, балки турли музейларда сақланаётган бой меросимиз намуналари ҳақидаги қимматли маълумотлар эди.

Дарвоқе, электрон тадбирининг яна бир янгилиги — ҳар бир ўқувчи буюк даҳоларни қандай тасаввур этишини баён қилиши керак эди. Жумладан,

ҳинд ёшлари Навоий, Бобур, Беруний каби аждодларимизни узун, кенг, сипо кийимда кўришса, корейлик кўз ўнгида улар ноанъанавий безакли либосларда гавдаланар экан. Ҳинд ёшлари Навоий бобомизни тарихни чуқур билган ва келажақни олдиндан кўра билган шахс сифатида таърифлашган.

Муҳими, бундай тадбирларни уюштиришда Бобуржон Шокиров сингари мустақилликнинг истеъдодли фарзандларини тахсил олаётган мактабдаги соғлом маънавий муҳит алоҳида ўрин тутди. Шу ўринда Шоира Абдуллаева, Назира Камолова, Мунира Топилова, Жасур Тўйчибоевдек малакали педагогларнинг миллий адабиётимиз ва буюк тарихимизни ёш авлод онгига синдиришдаги хизматини ҳам эътироф этиш жоиз. Ўқув масканидаги замонавий ахборот-техника воситалари билан жиҳозланган машғулот хоналарида мультимедиа, лингвон сингари қулайликлардан унумли фойдаланган ҳолда сабоқ берилмоқда. Дарслар жараёнида интернетдан фойдаланиш, қизиқарли слайдлар орқали ўқувчиларнинг тақдирларини ўтказиш анъанага айланган.

Шоира БОЙМУРОВА,  
«Ma'rifat» мухбири





## Yangiliklarda

Yurt  
nafasi

❖ Нукусдаги болалар сил касаллигига қарши сикатгоҳ биноси бунёдкорлик ишлари натижасида замонавий меъморчилик андозалари асосида янгидан қад ростлади.

Муассасада "Қорақалпоқтаъмиркурилиш" масъулияти чекланган жамиятига қарашли 3-қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан етти ярим миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилиди.

Барча зарур тиббий асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар билан таъминланган даволаш ва ётоқхона бинолари бу ерда шифо топаётган болажонларга манзур бўлмақда.

Сикатгоҳда болаларнинг таълим олишлари учун ҳам барча шароит яратилган. Муассасанинг мактаб биноси тўла реконструкция қилиниб, синф хоналари, кутубхона зарур адабиётлар, ўқув қуроллари ва компьютерлар билан жиҳозланди.

\*\*\*

❖ Самарқандда Мустаҳкам оила йилига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари фуқаролик ишлари бўйича судлари судьялари, адлия идоралари ходимлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этди.

Тадбирда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, оилаларда соғлом маънавий-ижтимоий муҳитни янада мустаҳкамлаш учун давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Бугунги глобаллашув жараёнлари, ахборот асрида ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш орқали оммавий маданият таъсиридан асраш, уларни оила ва никоҳ муқаддаслиги руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда юртимиздаги фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилатган оила билан боғлиқ ишларга оид маълумотлар таҳлил этилиб, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

\*\*\*

❖ Фарғона шаҳрида "Тадбиркорлик – мустаҳкам оила пойдевори" мавзусида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга туманлар ҳокимликлари, банк-молия муассасаларининг раҳбарлари, тадбиркорлар таклиф этилди.

Тадбир доирасида республика тижорат банклари томонидан истиқболли деб топилган 85 лойиҳа эгаларига жами 7,8 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Бизнес-форумда Мустаҳкам оила йилида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадлари ва оилалар фаровонлигини ошириш борасида халқаро молия ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланди.

\*\*\*

❖ Самарқандда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан меҳнат муҳофазаси масалаларига бағишланган давра сўхбати ўтказилди.

Касаба уюшмалари кенгашлари аъзолари ва мутасаддилари, вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишчи-хизматчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилатгани таъкидланди.

Давра сўхбатида 2011 йилда вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида олиб борилган ишлар ҳамда жорий йилга белгиланган вазифалар таҳлил этилди. Аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, бу борада банк муассасалари олдидан турган вазифалар, бюджетдан молияштирилган ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш масалалари юзасидан мутасадди идоралар вакиллари ахборотлари тингланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИ ЁД ЭТИБ...

Асрлар ўтса ҳамки, бутун дунё тан олган буюк аждодларимизнинг қолдирган мероси мозий ичра салобат касб этиб турибди. Уларнинг жаҳон маънавий оламига қўшган жаҳоирларининг баҳоси йўқ. Ўзбек мумтоз адабиётининг устунларидан бўлган Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг 529 йиллиги айни ойда кенг нишонланиши барча илм ахли қатори мактаб ўқувчиларига ҳам шундай боболаримиз дурдоналаридан кўпроқ бахраманд бўлиш завқини ҳаёда этмоқда.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидоги умумтаълим мактабларининг адабиёт фани ва бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда адабиётшунос олимлар пойтахтимиздаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига йиғилишди. Икки беназир сиймо ижодини ўрганишга бағишланган бадиий-адабий кечада ўқувчилар шоирлар асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этишди.

Тадбир доирасида бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқув семинари ҳам ташкиллаштирилди. Иштирокчилар тўртта шўбага бўлинган ҳолда



иш олиб бордилар. 3-синфда М. Холбоевнинг «Доноларнинг доноси» мавзусидаги очик дарси кузатилди. Айниқса, 3-синф ўқитувчиси Нодира Мавлонованинг «Бобур — шох ва шоир» мавзусидаги ўтказган мужассамлашган очик дарси қатнашчиларда катта таас-

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Сўз мулкнинг султони» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир «Навоий шеъринида сўз шеҳри» мавзусида чиқиш қилди. Шунингдек, филология фанлари доктори, профессор Н.Жабборов «Алишер Навоий ва миллий маънавият» масаласига кенгроқ тўхталди. Курс тингловчилари ўртасида «Энг ижодкор гуруҳ», «Навоийдан илҳомланиб...», «Фазалхон ёшлигим», «Навоий асарларида инсоний кадр-

қиммат» каби мавзуларда деворий газеталар кўрик-танлови, ижодий ишлар фестиваллари ҳам ўтказилди.

Институтда Навоий ва Бобур таваллуди муносабати билан «Дарс — муқаддас» номли адиблар ҳаёти ва ижоди ёритилган адабиётлар кўргазмаси, «Бобурнинг давлатчилик сиёсати, шоирлик маданияти» мавзусида семинар-тренинг дарси ҳамда спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

О. МУРОДУЛЛАЕВА

Тошкент кимё технология институтининг қошидаги академик лицейда Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд айёмлари муносабати билан «Буюк сиймоларимиз мангу барҳаёт!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда филология фанлари номзодлари, адабиётшунослар Р.Абдуллаева, З.Мирзаева, М.Қўчқорова ўқувчи-ёшларга улғу аждодларимиз адабий мероси, тилимиз ривожини йўлидаги буюк хизматлари ҳақида атрофлича маълумотлар бердилар.

Бугун Алишер Навоий, Бобур ҳазратларининг барҳаёт меросидан бутун дунё бахра-

ми кундаги аҳамияти ва жаҳон миқёсидаги ўрни ҳақида сўз юритилди.

Ўқувчиларнинг ўзлари мустақил тайёрлаб келган маърузалар ва намойиш этилган саҳна кўриниши кўпчиликида қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида «Навоий маънавияти — баркамоллик мезони» мавзусида ўқувчилар ўртасида ўтказилган ишлар ҳамда деворий газеталар кўрик-танлови голиблари тақдирландилар.

Б. ФАЗЛИДИНОВ



Болаларнинг кичик ёшиданоқ Навоий ва Бобур ижодига ошно этиб тарбияланиши миллий қадриятларимизнинг бардавомлигидан дарак. Зеро, айнан боғча ёшида болалар онгу шуурига сингдирилган билимлар улар вояга

руҳи билан йўғрилган саҳна кўринишларида ҳар бир бола ўзини эркин тутуши, мавзунинг моҳиятини теран ҳис қилиши уларнинг хатти-ҳаракатларидан сезилиб туради.

Б.РИЗКУЛОВ олган сурат.

Айни кунда узлуксиз таълим тизимининг ўрта махсус, касб-хунар таълими турини такомиллаштириш, ёшларнинг малакали кичик мутахассис сифатида шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аслида бу каби саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад ўқувчининг интеллектуал ривожланишини ва уларнинг ўз қобилиятлари ва мойилликларига мувофиқ танлаган касби, хунари бўйича мутахассисликларни чуқур эгаллашини таъминлаш ва уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдан иборатдир.

— Зангиота қурилиш ва тадбиркорлик касб-хунар коллежиде 9 йўналиш бўйича таълим олиб борилади, — деди мазкур таълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ирода Курганова. — Ўтган йили коллежimizни 167 нафари ўқувчи тамомлаган бўлса, шулардан 162 нафари иш билан таъминланди. Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш ҳамда трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш технологияси йўналишларида ўқиган битирувчиларимизнинг қийинчиликсиз ишга жойлашгани, мазкур йўналишлардаги кичик мутахассисларга меҳнат бозорида талаб катталигини билдиради. Ҳозирда жорий йилдаги битирувчиларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари, ўзлари танлаган ва мукамал эгаллаган соҳалари бўйича иш жойларига эга бўлишлари учун саъй-ҳаракатлар олиб берилмоқда. Ишга жойлашиш бўйича тузилаётган уч томонлама шартномалар уларнинг келгусида ўз иш ўринларига эга бўлишини кафолатлайди. Шунингдек, ўқув амалиётларининг тўғри ташкил этилиши кичик мутахассиснинг эгалланган билим ва тажрибаси кейинчалик иш фаолиятини самарали олиб боришига замин ҳозирлайди.

Дарҳақиқат бугунги кунда мазкур касб-хунар коллежининг ўтган йилги битирувчиларидан Самад Шокиров «TURON SARKOR» масъулияти чекланган жамиятида электр, газ пайвандлаш чилангари, Мурод Комилов эса «Зангиотатумангаз» Назарбек филиалида ГРП соловчиси бўлиб фаолият олиб бормоқда. Бухгалтерия йўналишида таҳсил олган Муқаддас Обидова Зангиота тумани Халқ банки филиалида ишлаётган бўлса, тикувчилик йўналиши битирувчилари Ойсулув Кенжаева, Рухия Солижонова «Махсус кийим» масъулияти чекланган жамиятида коллеж аудиториясида эгаллаган билимларини амалиётга татбиқ этмоқда.

Бу каби мисолларни ҳар бир касб-хунар коллежи фаолиятдан кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда эл қорига яраётган ёш мутахассисларнинг амалий фаолиятини кузатиш яна ҳам қизиқарлироқ.

Айтиш мумкинки, илм ўрганиш, хунар эгаллаш одамнинг маънавиятини юк-

салтиради, шу билан бирга, жамиятда ўрин топишига кўмаклашади, унинг моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

— Ота-онам заргарлик сир-синоатларини эгалламоқчилигимни, бадий хунармандчилик соҳасига бўлган қизиқишимни кўриб, мени кўллаб-қувватлади, — дейди уста-заргар Эркин Комилов. — Шундай қилиб, 2005 йили Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежиде зар-

балки кўнгли эҳтиёжимдир.

Ўз иш ўрни ва сеvimли касбига эга бўлган шундай ёшлардан яна бири 2010 йили Тошкент банк коллежини, тамомлаган Хумора Эркинова бугун «Ипотека-банк»нинг Юнусобод филиалида фаолият олиб бормоқда. Унинг ҳисоб-китоб ишини яхши ўшатирилганлиги билан бирга, муомала одоби, чиройли нутқи жамоа ичида тезда ўз ўрнини топишига сабаб бўлди. Зеро, ушбу муассасага ташриф буюрувчи мижозлар ва ходимлар билан ишлашда бу жуда аҳамиятлидир. Хуморанинг онаси Адиба Жамолана ҳам қизининг ўз ишидан мамнунлигини таъкидлайди.

— Оладиган ойлик маошим етарли, моддий томондан ҳамма эҳтиёжларимни тўла қоплайди, — деди Хумора Эркинова. — Бу муҳим жиҳат, аммо инсон ҳаёти-

## O'рта maxsus, kasb-hunar ta'limi

оилалар борки, уларда маълум бир хунар ёки касб авлодлардан авлодларга ўтиб, ардоқланиб келмоқда. Масалан, Тошкент шаҳридаги Илёсовлар оиласи миллий хунармандчиликни ривожлантириб келаётганлиги, бешик ясаш бўйича ўз мактабига эга бўлганлиги билан ном қозонган. Бу оилда мана бешинчи авлод ҳам ота-боболар ишини давом эттиришмоқда.

— Бешик ясаш нафақат хунар, балки санъатдир, — дейди 24 ёшли Мурод Илёсов. — Биз айни кунда бешикнинг 8 турини тайёрлаймиз. Бизга нафақат Тошкент шаҳридан, балки Бўка, Бекобод, Ўрта Чирчиқ ва бошқа туман аҳолисида ҳам буютмалар келиб тушади. Ёнғоқ, тут, ўрик, тол дарaxти ёғочидан ясалган буюм-

— Ўғилларим Муҳиддин ва Нуриддин ота касбини давом эттириб ёғочсоз уста бўлди, — дейди яна бир тошкентлик хунарманд Ҳожиакбар Фаттохов. — Уларнинг яратган буюмлари шишиқлиги, усулларининг мукамаллиги касб-хунар коллежларида эгаллаган малакаси тўғрисида, деб биламан. Менинг устахонам эса уларга тажриба майдончаси бўлган. Мана бугун улар эл хизматида, яратган буюмларидан халқ фойдаланмоқда. «Мерос моли тўзади, меросли хунар ўзади», деб бежиз айтишмаган ахир.

Яна бир қаҳрамонимизнинг сўзларига қулоқ тутамиз.

— Муборак тиббиёт коллежининг акушерлик иши йўналишини тугатиб, олий таълим муассасасига ҳужжат топширдим, — дейди қашқадарёлик Муниса Ҳайитова. — Аммо кучлидан кучли кўп бўларкан, билимидан эса билимидан. Тайёргарлигим камлиги боис ўқишга кира олмадим. Олдинга тушкун кайфиятда юрдим. Сўнг эса коллеж дипломи — йўналишим бўйича билим ва малакага эгаллигим тўғрисида ҳужжат жонимга оро кирди. Миришкор тумани кўптармоқли марказий поликлиникасига ҳамшира бўлиб ишга жойлашдим. Фаолиятим давомида кўп-кўп беморларнинг соғайишида менинг ҳам кичик бўлса-да ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Ҳа, касб-хунар коллежларини тугатган кичик мутахассислар фаолиятдан, касбидан, хунаридан камол топяпти. Дарвоқе, кадрлар меҳнат бозорида рақобатбардosh бўлиши учун таълим ва тарбия жараёнида пухта билим олганлиги асосий омилдир. Касб-хунар коллежларида сабоқларнинг самарали ўтиши учун қилинаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Ўтган йили барча олий таълим муассасаларида академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлимлари ташкил этилди. Бу ҳамкорлик натижасида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, янги лаборатория ва кўргазма жиҳозларини ишлатиш бўйича илмий-усулбий ва амалий ёрдам бериб келишмоқда. Шунингдек, назарий ва амалий билимларнинг уйғунлашуви учун ишлаб чиқариш корхоналари, тиббиёт муассасалари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда. Хуллас, айни кунда эртаимиз эгалари — ёшларнинг бирор-бир касб-хунарини эгаллаб, юртимиз равнақиға ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшаётгани барчамизни қувонтираётди.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

# КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ

у ҳаётда муносиб ўрин, касбидан  
камол топмоқда

гарлик йўналиши бўйича таҳсил ола бошладим. Нозик дид ва иқтидор талаб қилувчи заргарлик хунари узок йиллик тарихга эга. Бугунги кунга келиб, заргарликнинг замонавий услубларини кўллаш орқали ҳамоҳангликка эришилмоқда. 2008 йили касб-хунар коллежини тугатдим ва фаолият бошладим. Олдинга кенг турдаги таъмирлаш ишлари олиб бордим. Кейинчалик буюртма асосида тақинчоқлар ясаш билан шуғуллана бошладим. Нақш чизиш эса сеvimли машғулотим. Безак буюмларини тайёрлашда бир неча усуллардан фойдаланилади. Рангли металл эритиб қолипларга қуйиб буюм яратиш мумкин. Шунингдек, бирор-бир тақинчоқ ёки буюмни болғалаб ясаш, ҳаллаш, яъни, олтин ва қумуш суви юритиш, ўйиб ёки бўрттириб нақш ясаш каби усуллардан кенг фойдаланаман.

Эгаллаган хунарим ортидан инсонлардан раҳмат эшитсам, яратган буюмимда акс этган ўзгача безаклар орқали кимнингдир гўзалликка иштиёқини уйғотсам кўнглимда ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган завқланган ҳиссини туйяман, шу соҳа бўйича таълим берган устозларимни, касб-хунар коллежидеги дарсларни, машғулотларни эслайман. Айтишим мумкинки, зар хунарим — заргарлик нафақат менинг моддий таъминот манбаим,



нинг самарали ва мазмунли ўтиши учун аввало, ўз касбини сеvimли керак. Шундагина у ишини сидқидилдан бажаради.

Таъкидлаш ўринлики, бизда болани касб-хунарға йўналтириш мактабда, ҳаттоки, мактабгача таълим муассасаларида ҳам олиб борилади. Бу жиҳатга оилаларда ҳам алоҳида эътибор бериллади. Шундай

ларнинг барчасига бирдай талаб бор.

Касб-хунар коллежиде ҳам ҳеч сўзсиз ёғочозлик соҳасини танладим. Бу танловимда оилавий муҳитнинг таъсири катта бўлди.

Ота-оналар ҳам фарзанди унинг хунарини, касбини давом эттирса, қувонади, гурурланади, керак пайтда унга йўл-йўриқ бериб туради.



# ЯҚИН ЎТМИШ САБОҚЛАРИ

Кечаги кундан олган хулосаларимиз бизга эртага қандай яшаймиз-у бугун нималар қилишимиз кераклигини ўргатади. Қолаверса, ҳозир муяссар бўлиб турган неъматларга қандай эришилганини билсанг, унга етишиш йўлида чекилган заҳматларни хотирласанг, уларнинг қадрига янада кўпроқ етасан. 20 йил — суяги қотиб, кучга тўла бошлаган навқирон йигит умри. Таъбир жоиз бўлса, истиқлолимиз бугун худди шу ёшда — ўз йўлига, ўз ҳарши ва мустақил куч-қудратига эга. Аммо бу даражага осонгина эришилгани йўқ. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарини ўқир экансиз, кечаги кун машаққатларини ёдга

оласиз, эртанги кунга ишончингиз ортади.

Бўка туманидаги 8-умумтаълим мактабида ушбу китобни чуқур ўрганаш мақсадида олимлар, тарих фани дарсликлари муаллифлари билан ўқувчилар ўртасида мулоқот ташкил этилди. Унда умумий ўрта таълим мактаблари учун нашр этилган амалдаги Ўзбекистон ва жаҳон тарихи дарсликлари муаллифлари, олим ва амалиётчи ўқитувчилар ва фахрий меҳмонлар иштирок этишди.

Меҳмонларнинг юртимиз тарихига оид қизиқарли маълумотлари, айниқса, юртимиз мустақилликка эри-

## Prezident asarini o'rganamiz

шишига қадар юзага келган ўта таҳликали вазиятларни ўша давр расмий ҳужжатлари асосида ифодалаган Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асари ва унинг аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари иштирокчиларни чуқур ҳаяжонга солди.

Учрашув сўнггида фахрий ўқитувчи бўлган Р.Сайдов 1989 йилги Фарғона воқеаларидан сўнг рўй берган

Бўка воқеасини хотирлаб, ўзи гувоҳ бўлган ҳодисаларни гапириб берди. Тарихий далиллар асосида бугун тинч ва фаровон ҳаёт давом этаётган Бўка туманида ўша пайтда катта бир фожеанинг олди олинганини сўзлаб берди.

Учрашувдан сўнг, мактабнинг тарих фани ўқитувчиси халқ таълими аълочи-

си Фарида Мирабдуллаева 9-синфда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асари асосида «Жамиятни янгилаш йўлида» мавзусида бир соатлик очиқ дарс ўтказди. Дарс асосида асарнинг бугунги ёшлар учун аҳамияти истиқлол арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда ана шундай кескин ва таҳликали паллада Юртбошимиз томонидан олиб борилган кураш ҳақида ўқувчилар янада кенг билим ва тасаввурга эга бўлдилар.

**У. ЖўРАЕВ,**  
Бўка туманидаги 8-мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби

«Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг вазийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиб давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

(«Таълим тўғрисида»ги қонун, 22-модда).

Ота-онанинг қаровисиз қолган болаларни тарбиялашнинг шакл ва методларини такомиллаштириш, оила шароитларида тарбиялаш учун уларга шарт-шароитлар яратиш, болалар тарбия муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги 104-сонли қарори қабул қилинган эди. Қарорга асосан, «Болалар шаҳарчалари» босқичма-босқич, уларнинг бола-

га умид ва ишонч уйғотади. Халқимизнинг кўп асрлик қадрияти — етимлар бошини силаш, уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаш ўз мевасини бермоқда. «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари ҳар соҳада фаол, илғор. 2009-2010 йилларда шаҳарчада ташкил этилган рақс дастаси «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Республика босқичида иштирок этиб, совриндор бўлди. Фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларда болалар ўз шаҳарчалари шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

«Болалар шаҳарчаси» шаънини улғайтган, ўз меҳнати билан ушбу маскан номини мамлакатимиз узра ёяётган жамоада ҳақиқий изланувчи, ижодкор ходимлар йиғилган. Шу боис, жамоа 2009 йили ўтказилган «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» кўрик-танловда фаол ишти-



Умумтаълим мактаблари, улардаги табиий фанларга ихтисослашган фан хоналарининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланиши айни фанларнинг бекаму-кўст ўқитилишига муҳим восита бўлди дейиш мумкин. Тошкент шаҳридаги 69-мактаб физика фани ўқитувчиси Санжар Халилов ҳар бир ўтадиган дарсига ўқув-лаборатория воситаларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратади. Зеро, назарий билимлар амалий машғулотларга мустаҳкамланса ўқувчилар хотирасига ўрнашади.

Суратга: 69-мактаб ўқитувчиси Санжар Халилов 9-синф ўқувчилари билан лаборатория машғулотлари жараёнида.

Суратни Б.РИЗОКУЛОВ олган.

# БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ

унинг пойдевори меҳр, устуни ишонч

ларни қабул қилиш ва тарбиялаш учун тайёргарлик даражасига кўра очилиши, бу каби масканлар Меҳрибонлик уйлари негизда ташкил этилиши мумкинлиги белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш, ота-онанинг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун республикамизнинг Сирдарё ва Андижон вилоятларида «Болалар шаҳарчаси» бунёд этилди.

2008 йилнинг декабрь ойида ўз фаолиятини бошлаган Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» Президентимиз ва болажон халқимизнинг келажак авлод камоли йўлидаги гамхўрлигининг юксак намунаси десак муболага бўлмайди. Дарҳақиқат, замонавий услубда барпо этилган, болалар ҳаётини оила тарбиясига мураббийлар томонидан имкон қадар ақиллаштиришга қаратилган бу шаҳарча меҳр ва саховат, оила тафтини берувчи гўшага айланиб улгурди.

Бугун «Болалар шаҳарчаси»да 102 нафар ўғил-қиз чинакам оила бағрида-гидек ҳаёт кечирмоқда. Шаҳарчада оила муҳити ҳукмрон. 6 нафардан 9 нафаргача бола жамланган ҳар бир оилада тарбияланувчиларга ота-она меҳри берилади. Тарбияловчи оналар болалар атрофида парвона. Ногоҳ уйқусидан уйғониб ўз онасини, оиласини, уйини кўмсаган гўдак қошида тарбиячи онанинг бедор туриши бола шуурига, энг аввало, меҳр тафтини инъом этади. Бундан ортиқ бахт борми гўдак учун?

«Болалар шаҳарчаси»даги ҳар бир саъй-ҳаракат — болага ўз атрофида гамхўр инсонлар ҳамisha кўмакка шай еканлигини аниқлатади. Унда эртанги кун-

роқ этиб, унинг мамлакат босқичида мутлақ голибликка эришди. Бу, албатта, меҳнатсевар жамоанинг заҳматлари маҳсулидир. Мархабо Мадаминова, Муножат Каримова, Раъно Қобилова ва Саодат Азимова каби тарбияловчи оналар ўз оналик меҳри билан болалар қалбига юртта садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдирмоқдалар.

Шаҳарча тарбияланувчиларининг ҳар бир кунги, дақиқаси мазмулини ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Улар бу ерда ташкил этилган 10дан ортиқ тўғаракка жалб қилинган бўлиб, ҳам хунар, ҳам билим соҳиби бўлмоқдалар. «Моҳир қўллар», «Еш адабиётчи», «Еш ҳуқуқшунос», «Қизлар клуби», «Истеъдод» каби фан ва хунар, бта спорт йўналишидаги тўғарак доимо гажжум.

— 2010 йилнинг 26 май кунги Юртбошимиз Ислон Каримовнинг шаҳарчамизга ташриф буориши жамоамиз, айниқса болалар учун унутилмас кун бўлди, — дейди шаҳарча директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Дурдона Мўминова. — Президентимиз ҳар бир бола билан самимий мулоқотда бўлди, бундан кейинги фаолиятимиз учун дастуриламал бўладиган маслаҳатларини берди. Бу барчамизга кўтаринкилик бағишлади.

«Болалар шаҳарчаси»нинг 16 нафар 9-синф битирувчисидан асосий қисми Асака туманидаги автомобилсозлик касб-хўна коллежида таълим оляпти. Уларни келажакда ўз соҳаси бўйича ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Орифжон СИДДИКОВ









Хозирги кунда бутун дунё оптик толадан фойдаланиб, кенг ахборот оқимини, кодланган ёруғлик сигналларини узатмоқда. Микропроцессорли ва бошқа микросхемаларда электрон занжирлар ўрнига кўринувчи ёруғлик ва бошқа электромагнит тўлқинлардан фойдаланувчи мослама қўлланилмоқда.

Ўз навбатида, фотонли асбоблар дифракция хараκτηстикаси ва ўлчамиди хиддий чекланишни талаб қилади: оптик тола кенглиги, ёруғлик тўлқини интерференцияси унинг узунлиги ярмидан кам бўлмаслиги керак. Оптик сигналларни узатишда микросхема ичида 1500 нм. атрофидаги тўлқин узунлигига эга инфрақизил нурланишдан фойдаланилади. Бундай ҳолатда ёруғлик узатгич минимал кенглиги етарлича катта бўлади. Масалан, замонавий чиплардан тузилган транзисторлар 100 нм. ўлчамли элементлардан тузилади.

Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан оптик сигналларни нанoskopик структура орқали узатишнинг янги усули ишлаб чиқилди. 1980 йили ёруғлик тўлқинлари орасида маълум шароитда металл ва диэлектрик орасидаги чегара ораллигига йўналган ҳамда металл сиртида ҳаракатланувчи электроннинг резонанс ўзаро таъсир ҳосил қилиши экспериментал равишда қайд этилган. Қисқа қилиб айтганда, электронлар металл устида электромагнит майдон тўлқинлари тарзида тебранади. Натижада, сирт плазмони — зич электронлар тўлқини пайдо бўлади, плазмонлар кўлга отилган тош таъсирида жимирлаётган сув каби тарқалади.

Кейинги ўн йилликда тадқиқотчилар металл ва диэлектрик орасида шундай частотали, ташқи электромагнитли, жуда кичик тўлқин узунлигидаги сирт плазмони яратиш тўғрисида ижодий ҳулосаларга келишди. Шундай қилиб, плазмонлар нанoskopик ўзаро бирикшиларда тарқалиши мумкин ва микропроцессор қисмлари орасидаги маълумотларни ташийд. Плазмонли ўзаро бирикшилар микросхема ишлаб чиқарувчиларга ҳақиқий совға бўларди, яъни олдиндан ўлчамни қисқартириш, транзисторларнинг тез ҳаракатини ошириш, хозиргача ўрганилмаган чип ичида тез узатувчи ахборотлар ва кашф қилинмаган электрон занжирлар тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

2000 йили Калифорния технология институти жамо-

аси плазмониқани янги кашф этилган йўналиш, деб номлади ва кейинги ўрганишлар янги тур қуримларини яратишга олиб келди. Ундан микроскопларнинг тиниклик имкониятлари, ёруғлик диодлари самараси, кимёвий ва биологик детекторлар самарасини ошириш мумкин. Ўта оғир жароҳатларни даволаш учун плазмон резонанс ютилишдан фойдаланиш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқ-

тал заррачаларда плазмон электронларининг ўйғониши ҳисобига ойнали матрицадан ташкил топган куб материали яшил ва кўк ёруғликни ҳамда қисқа тўлқинли кўринувчи спектр қисмини ютади ёки сочади. Агар чашкадан қайтган ёруғликни қараб чиқса, плазмонда сочилиш унга кўкимтир соя беради. Агар унинг ичига оқ ёруғлик манбаи жойлаштирилса, ойна қизилга айланади, чунки у узун ёруғлик тўлқинларини ўтказиб, қисқаларини ютади.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида сирт плазмони ўрганиш бошланди. Кимёгарлар бу ҳодисани раман спектроско-

гарада плазмонлар йўқотилиши кам, чунки майдонда тебраниши учун эркин электронлар йўқ, демак, энергияни тарқатувчи ҳеч қандай тўқнашишлар кузатилмади. Шундай қилиб, плазмонлар диэлектрикка туташ металл сиртига боғланган. Масалан, диэлектрик ва металл сирт плазмонлари икки та муҳит ораллигидаги текисликда тақсимланган.

Шунингдек, ясси плазмонли структуралар тўлқин тарқатувчи сифатида ҳаракат қилади. Унда металл ва диэлектрик чегараси бўйича йўналган электромагнит майдондан чип ичига сигнал узатиш учун фойдаланиш мумкин. Шунга қарамай, оптик сигналлар металлларда

## Fan va hayot

Плазмониқа илим ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, олимлар бу технология янгиликларини тажриба асосида намойиш қилувчи намунавий мосламалар ишлаб чиқаришди. Плазмонлар доимо металл ва диэлектрик чегарасида жойлашади. Ясси тўлқин узатгичда плазмон микросхеманинг бир қисмидан бошқа қисмига сигналларни узатиш учун етарли бўлган бир неча сантиметрга ўтши мумкин. Шунингдек, етарлича катта тўлқин нанoskopик ички чипда бошқа сигналларга халақит қилиши мумкин. Нанoskopик тузилма бўйича электромагнит тўлқинларни узатиш технологияси ўта тез ишловчи компьютерларнинг ва ўта сезгир молекуляр датчикларнинг яратилишига кенг йўл очади.

Плазмонли ўтказгич ўлчамини қисқартириш учун металлни диэлектрик билан ўраб олиш керак. Бундай тирқишли тўлқин узатгичда ёруғлик тўлқинининг узунлиги ўн мартагача қисқаради. Олимлар замонавий микросхемали ўлчамли электрон элементларнинг ўрнини босадиган, атиги 50 нм. кенгликдаги тирқишли тўлқин узатгичларни яратишди. Бундай плазмонли занжирда электрик занжирга нисбатан жуда кўп маълумотларни узатиш мумкин, лекин унда сигнал 100 мкм. масофада сўнади. Тирқишли тўлқин узатгич ёрдамида микросхемаларнинг тез ҳаракатини ошириш мумкин. Нисбатан катта диэлектрик тўлқин узатгичлар оддий электрон транзистор билан боғланган плазмонли тўлқин йўналишини ўзгартирувчи ускуна(плазмонстор)га оптик сигналларни ташийд. Плазмонсторлар 100 нм. кенгликдаги тирқишли тўлқин узатгичлардан тузилган бўлиб, кесишиш нукталарида 20 нм. тўлқин узунлигигача хизмат қилади. Наноўтказгичларда тарқалувчи плазмонларни яратиш учун тадқиқотчилар жуда мураккаб шаклдаги тўлқин узатгичларни қараб чиқиб, унда тўлқин тор фазога итарилади ва шу ҳисобига узунлиги камади, деган ҳулосага келмоқда.

**Тўйчибой ТОШБОВ,**  
Самарқанд давлат университети доценти,  
**Гулбуви ЭШНАЗАРОВА,**  
Самарқанд шаҳридаги 54-умумтаълим мактаби физика фани ўқитувчиси (Давоми бор).

# ПЛАЗМОНИКА — КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИ



*ёхуд ўта тез ишловчи компьютер ва ўта сезгир молекуляр датчик яратилмоқда*

да. Назарий хижатдан плазмон материаллари ҳаттоки объект атрофидаги электромагнит майдонни ҳам ўзгартириб юбориб, уни кўринмас қилиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, плазмониқа нанодунё сирларига ҳам ойдинлик киритади. Плазмондан, ёруғликдан фойдаланиб электрон зич тўлқин яратиб, нанoskopик ўтказгичлар бўйича оптик сигналларни узатиш мумкин. Плазмонли занжирлар ўзида улкан имкониятни намойён қилади. Шунинг учун улардан микросхема ичидаги катта ҳажмдаги маълумотларни ўта тез узатиш учун фойдаланиш мумкин. Плазмонли қисмларни қўллаш микроскоп имкониятларини ва ёруғлик нурланиш диодлари, кимёвий ва биологик датчиклар сезгирлигини оширади. Айрим олимлар плазмон материаллар объект атрофидаги электромагнит майдонни ўзига бўйсундириб, объектни кўринмайдиган қилиш имконига эга эканини исботлашди.

Таъкидлаш керакки, минг йиллар давомида алхимёгарлар ва ойна билан ишловчилар билган-билмаган ҳолда плазмон хусусиятлардан фойдаланишган. Хусусан, жуда майда металл заррачалардан ташкил топган ойначалардан витражлар ва бўёқли кубиклар ясалган. Уларнинг энг машҳури Ликург чашкаси, рим кубоги (эрамиздан аввалги IV асрда) ясалган бўлиб, ушбу буюмлар хозир Британия музейида сақланмоқда. Ме-

диэлектриклар(масалан, ойна)га нисбатан катта йўқотишлар билан синалади, яъни плазмон сўнишидан олдин бир неча сантиметр юкка металл тўлқин узатгичдан ўтади. Агар тўлқин узатгич симметрик ишласа диэлектрик атрофида металл қатламдан йўналган электромагнит энергиянинг катта қисмини чиқариб юборади, натижада йўқотиш камади ва энг катта тарқалиш узоклигига эга бўлади. Қолаверса, металлнинг юқори ва пастки сиртида электромагнит майдон бир-бири билан ўзаро таъсирлашади, қатламнинг қалинлигини ўзгартириб плазмоннинг тўлқин узунлиги ва частотасини бошқариш мумкин. 1990 йилларда Даниядаги Ольборг университети олими Сергей Божеволь бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи ва Польшадаги Оттава университети илмий ходими Пьер Берини томонидан ясси плазмон компонентлари ишлаб чиқилди. Бу компоненталар маълум (масалан, узатувчи тўлқинни парчалаш) функцияни бажаради ва тоза диэлектрик мослама ҳисобланади. Бундай тузилмалар микросхема ичига маълумотларни узатиш учун яроқлидир.

диэлектриклар(масалан, ойна)га нисбатан катта йўқотишлар билан синалади, яъни плазмон сўнишидан олдин бир неча сантиметр юкка металл тўлқин узатгичдан ўтади. Агар тўлқин узатгич симметрик ишласа диэлектрик атрофида металл қатламдан йўналган электромагнит энергиянинг катта қисмини чиқариб юборади, натижада йўқотиш камади ва энг катта тарқалиш узоклигига эга бўлади. Қолаверса, металлнинг юқори ва пастки сиртида электромагнит майдон бир-бири билан ўзаро таъсирлашади, қатламнинг қалинлигини ўзгартириб плазмоннинг тўлқин узунлиги ва частотасини бошқариш мумкин. 1990 йилларда Даниядаги Ольборг университети олими Сергей Божеволь бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи ва Польшадаги Оттава университети илмий ходими Пьер Берини томонидан ясси плазмон компонентлари ишлаб чиқилди. Бу компоненталар маълум (масалан, узатувчи тўлқинни парчалаш) функцияни бажаради ва тоза диэлектрик мослама ҳисобланади. Бундай тузилмалар микросхема ичига маълумотларни узатиш учун яроқлидир.




**КУЁШ БАТАРЕЯСИНИНГ РЕКОРД САМАРАСИ**

Буюк Британиядаги Кэмбриж университетида ишлаб чиқилган янги фотоэлектр турдаги бўлмачалар қуёш батареялари квант самарасини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради. Бу ҳақида «Компьюлента» манбаси маълум қилди.

Профессорлар Ричард Френд ва Нил Гринхам раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи яратган гибрид қувват манбаларининг ички квант самараси рекорд кўрсаткичи — 50 фоизни ташкил этар экан.

Физикада кремний асосидаги қуёш батареялари учун белгиланган максимал квант самарадорлик кўрсаткичи бор ва у 33,7 фоизга тенг. Таъкидланишича, батарея ичидаги махсус қатламлар сонини ошириш орқали бу рақамни 86 фоизгача ҳам кўтариш мумкин экан. Лекин у ҳолда қувват манбаини яратиш хомашёсига катта маблағ сарфлаш талаб этиларкан. Шу боис ишлаб чиқарувчилар қатламларни кўпайтириш эмас, аксинча камайтириш орқали ҳамёнбон нархга батарея ишлаб чиқаришни кўзлайди. Бу эса ўз навбатида бугунги кунда самара кўрсаткичи максимал ҳолатда 25 фоиз бўлишини таъминлайди. Британиялик олимлар эса оптоэлектроника, наноматериал ва органик ўтказувчилар борасидаги барча тўпланган билимларга таянган ҳолда гибрид турдаги қуёш батареяларини яратишди. Уларнинг таъкидлашича, ҳозирги батареялар қуёш энергиясининг маълум қисмини ютиш хусусиятига эга ҳолос. Қувватнинг қолган қисми эса иссиқлик шаклида йўқотилади. Янги турдаги қувват манбалари бўлса, айнан шу жиҳати билан аввалгиларидан устун, яъни улар қуёшдан таралаётган ёруғлиқни имкон қадар кўпроқ ютиб, қувват сифатида сақлаш хусусиятига эга.



ланиш ҳолатлари 60 фоизга камайган. Қолаверса, агар 2000 йили касаллик туфайли 733 минг нафар бола ҳаётдан кўз юмган бўлса, 2010 йили мазкур кўрсаткич 164 минггага камайган. Шунингдек, бу вақт оралигида қизамиққа қарши эмлаш 72 фоиздан 85 фоизга кўтарилгани ҳам таъкидланган.

яққол намоён бўлмоқда. Бу ҳақида «Мэскейп Медикал Ньюс» («Medscape Medical News») хабар берди.

Кутилган натижаларга эришилганига қарамай, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидеги экспертлари дунёнинг турли бурчақларида ҳамон вазият жиддий, аниқроғи, бу ерларда исталган пайт яна эпидемия кузатилиши мумкин, дейишмоқда. Улар тақдим этган ҳисоботда 2000—2010 йилларда дунёда қизамиқ билан хасталаниш кўрсаткичлари берилган. Бу мuddат оралигида дунёда қизамиқ билан хасталаниш кўрсаткичлари берилган.



**БАКТЕРИЯНИ НОБУД ЭТУВЧИ ШИША**

АҚШнинг «КэймелБэк» («CamelBak») компанияси мунтазам тоза сақланадиган ва доимий равишда ичимлик сувини тозалайдиган ўзига хос шиша идишини ишлаб чиқди. Унга ультра-қизил нурлар таратувчи ускуна ўрнатилган. Ускунанинг вазифаси эса шишага олинган сувдаги микроб ва паразитларни нобуд қилишдан иборат, деб ёзади «ФизОрг» манбаси.



Таъкидланишича, идишнинг юқори қисмида кичик экран ҳам бўлиб, у орқали сувнинг тозаланиши кўриш мумкин. Ультра-қизил нурларни таратувчи ускуна қуввати кичик фильтр қувватига тенг экан. Сув тўлдирилгач, икки сония давомида тозаланиш бошлаш тугмаси босилади, сўнгра идиш 1 дақиқа мобайнида энгилгина айлантириб турилади. Шиша сизими 0,75 литр бўлиб, бактерия, вирус ва амёбаларни нобуд этиш кўрсаткичи 99 фоизга тенг экани синовларда белгиланди.

Идишдаги бир марталик қувват 80 мартаба сувни стериллаш имконини бериб, бунда 60 литр истеъмолга яроқли сув тозаланиб олинади. Янги турдаги идиш кейинги ойдан сотувга чиқарилиши маълум қилинмоқда.



Япониянинг «Фукусима-1» атом электр станциясига яқин ҳудудда, маркази Хонсю ороли соҳилларида магнитудаси 6 балга тенг кучли zilzila кузатилиб, жабрланганлар ҳамда цунами хавфи йўқлиги геология хизмати томонидан маълум қилинди.

Италияда совуқ об-ҳаво ва каттиқ ёғингарчилик афсонавий Колизей амфитеатри деворларига салбий таъсир кўрсатиб, унинг бир нечта юқори қисмлари кўчиб тушган.

Буюк Британия пойтахти Лондонда ноқонуний равишда телефон суҳбатларини эшитиш ва порахўрликда гумон қилинаётган машҳур кўнгилочар «Сан» («The Sun») нашрининг 5 нафар ходими хибсга олинди.

АҚШнинг Калифорния штатида 5,5 балли zilzila кузатилиб, айни пайтда жабрланганлар ва талофатлар ҳақида маълумот берилганича йўқ.

**Реклама \* Реклама \* Реклама \* Реклама \* Реклама \* Реклама \* Реклама**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ КАФЕДРАЛАРИДА МАВЖУД БЎЛГАН ҚЎЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!**

- |  |  |
|--|--|
| <b>Кафедра мудири:</b>                                     | 10. <i>Психология (1).</i>   |
| 1. <i>Тарих (1).</i>                                       | 11. <i>Муסיқа ўқитиш методикаси (1).</i>   |
| 2. <i>Умумий психология (1).</i>                           | 12. <i>Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (1).</i>  |
| 3. <i>Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт (1).</i>  |  |
| 4. <i>Ботаника, экология ва уни ўқитиш методикаси (1).</i> | <b>Кафедра профессори:</b>   |
| 5. <i>Зоология, анатомия ва физиология (1).</i>            | 1. <i>Математика ва уни ўқитиш методикаси (1).</i>   |
| 6. <i>Инглиз тили назарияси ва методикаси (1).</i>         | 2. <i>Ўзбек адабиёти (1).</i>  |
| 7. <i>Ўзбек адабиёти (1).</i>                              | 3. <i>Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси (1).</i>  |
| 8. <i>Қозоқ тили ва адабиёти ўқитиш методикаси (1).</i>    | 4. <i>Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, «Ахборот технологиялари» малака ошириш курси (1).</i> |
| 9. <i>Педагогика ва педагогик технологиялар (1).</i>       |  |

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Ўзбек тили ва адабиёти», «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» ҳамда «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» касбий қайта тайёрлаш курсларига олий педагогик маълумотли тингловчиларни шартнома асосида қабул қилади. **Ҳужжатлар 2012 йил 1 мартгача қабул қилинади.** Ихтисослик бўйича ўқиш муддати 4 ой. Аттестация натижалари асосида давлат намунасидаги қайта тайёрлаш дипломи берилади.

**Манзил: 700070, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103, 5-бино.**  
«Ўзбек тили ва адабиёти» 255-58-78, 255-49-31  
«Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» 255-61-97  
«Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» 255-49-34

Кафедра мудири ва кафедра профессори лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон дастлаб чоп этилган кун («Ma'rifat» газетасининг 2012 йил 11 февраль №12 сони)дан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Мулоқот учун телефон: 255-68-70.







# КЕЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАРИ



## СПОРТ - СОҒЛИК ГАРОВИ



Хозирги кунда 11—14 ёшдаги энг иқтидорли болалар спорт маҳоратларини кунт билан ўзлаштираётган Андижон шаҳридаги футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 августда қабул қилинган “Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бунёд этилган эди.



Таълим муассасасининг илк қалдирғочлари бугун икки ёшга улғайган, уларнинг футбол бўйича малакали мутахассис-мураббийлардан олаётган амалий ҳамда назарий билимлари эса эшитган кулоқни, кўрган кўзни қувнатади. Юртбошимиз халқимизни, айниқса, келажақ эгалари бўлган ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни спортга кенг жалб қилишга юксак эътибор қаратмоқда.

Президентимиз 2012 йил 10 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йиғилишида таъкидлаганидек, бугун униб-ўсиб келаётган фарзан-

дларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини

ўсмирлар “миллионлар ўйини” сир-асрорини ўзлаштирмоқда. Уларнинг



ўзи учун энг улуг, энг муқаддас мақсад деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади. Қолаверса, боласининг спортга ошно туғиниб, ўз устида тинимсиз ишлаётгани, дангасалик, эринчоқлик каби хислатлардан воз кечиби, юксак марраларни забт этишга тиришаётганини кўрган ота-онанинг юзлари ҳам ёришиб туради.

Бугуннинг яна бир оддий ҳақиқати шуки, болалар спортини ривожлантирмасдан туриб, мамлакат спортининг истиқболини таъминлаб, халқаро ареналардаги нуфузини белгилаб бўлмайди.

Шу маънода айтиш мумкинки, Андижондаги футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатда водийнинг турли ҳудудларидан келган энг истеъдодли ва қобилиятли

назарий ва амалий таҳсил олишлари учун замонавий инвентарлар, профессионал футболчилар учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари ва ҳоказолар мавжуд ва улардан устозлар шогирдларига билим беришда унумли фойдаланишмоқда. Мактаб-интернатда футбол майдонлари, тренажёр ва ўқув хоналари, ёпиқ бассейни, спорт зали, теннис корти, ошхона ва шинамгина дам олиш хоналари бор.

Айни вақтда ўсмир спортчилар вилоятда ҳамда республика миқёсида Ўзбекистон мактаб-интернатлари ўртасида бўлиб ўтадиган бир қатор футбол турнирларига тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг орзулари улкан ва ёруғ. Кўп ўтмай, мазкур мактабдан чемпион футболчилар етишиб чиқишига ва юртимиз шухратини жаҳонга яна бир қарра тاراتишига ишонамиз.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,**  
“Ma'rifat” мухбири  
**Бўрхон РИЗОКУЛОВ**  
олган суратлар.

**Ma'rifat**

**ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта махсус та'лим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим, фан ва  
маданият ходимлари  
касба уюшмаси  
Markaziy Kengashi.

**Bosh muharrir:**  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV,  
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor  
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV  
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),  
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),  
Mahmuda MURZAYEVA, Husan  
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),  
Nurlan USMONOV (bosh muharrir  
o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”),  
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,  
“Учитель Узбекистана”), Sa'dulla  
HAKIMOV.

Gazeta  
Ўзбекистон Matbuot va axborot  
agentligida № 0067 raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009  
INDEKS: 149, 150. F-218.  
Tiraj 56150.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib olish  
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir  
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy  
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-  
53-16, fan, oliy va o'rta ma'xsus, kasb-hunar ta'limi  
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,  
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-  
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari  
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport  
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing  
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Lilya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:  
Sanjar RUSTAMOV.  
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

ЎЗА яқун — 21.30  
Topshirildi — 21.50